

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБАНОВ МУЗАФАР АТАХАНОВИЧ

**ХОРАЗМ ҚИШЛОҚ ЖАМОАЛАРИ ТАРИХИ (ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ ВА ЭТНОМАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАР, МИЛ. АВВ. VI
- МИЛЮДИЙ IV АСРЛАР)**

07.00.01 – «Ўзбекистон тарихи»

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч — 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Қурбанов Музафар Атаханович

Хоразм қишлоқ жамоалари тарихи (ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар, мил. авв. VI - милодий IV асрлар).....3

Қурбанов Музафар Атаханович

История сельских общин Хорезма (социально-экономические и этнокультурные отношения, VI в. до н.э. - IV век н.э.).....25

Kurbanov Muzafar Atakhanovich

History of rural communities of Khorezm. (socio-economic and ethno-cultural relations, VI century BC - IV century AD).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБАНОВ МУЗАФАР АТАХАНОВИЧ

**ХОРАЗМ ҚИШЛОҚ ЖАМОАЛАРИ ТАРИХИ (ИЖТИМОИЙ-
ИҚТИСОДИЙ ВА ЭТНОМАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАР, МИЛ. АВВ. VI
- МИЛЮДИЙ IV АСРЛАР)**

07.00.01 – «Ўзбекистон тарихи»

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч — 2023

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Tag395 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://idp.uz>) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Собиров Қурбонбой,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Расмий оппонентлар:

Қошанов Баҳыт Абдикеримович,
тарих фанлари доктори, профессор.

Яхшиев Анвар Жўрақулович,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:

**ЎзР ФА нинг Қорақалпоғистон бўлими,
Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.06.2021. Tag.55.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «9» 01 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-66-16).

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишини мумкин (652 рақам билан рўйхатга олинган) (220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-66-16; e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2023 йил «7» 01 кuni тарқатилди
(2023 йил «7» 01 даги 3 рақамли реестр баённомаси.)



С.Р.Давлетов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор.

Я.А.Каримов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, PhD, доцент.

У.Н.Абдуллаев,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қўшилаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий, маданий ўзгаришлар жараёнида шаҳарлар ва қолаверса шаҳарлар тараққиёти негизини ташкил қилган қишлоқ жамоалари ривожланишига бўлган эътибор янада кучайди. Мазкур ҳолатда бу ҳудудларда яшовчи аҳолининг ўзаро этномаданий алоқаларга киришиши дунё миқёсида давом этаётган интеграция жараёнларига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан олганда тарихий тараққиётнинг узвий қисми бўлган қишлоқлар тарихини ҳолисона ўрганиш, уларнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини янги асосларда кўриб чиқиш ва баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда қишлоқларнинг вужудга келиши ва ривожланиши шарт – шароитлари ҳамда омиллари, уларнинг шаҳарлар ва давлатлар тараққиётидаги ўрни, жамият ва маданий муносабатлар ривожланишидаги иштироки, тарихий тараққиёт мобайнида қишлоқлардаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, қишлоқлар жойлашиши ва типологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий-ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш, қишлоқ жамоаларидаги ўзини-ўзи бошқарув тизимини такомиллаштириш, қишлоқларнинг инфратузилмасини ривожлантириш ва янги технологияларни кенг жорий қилиш, қишлоқларнинг ижтимоий, маданий ва этник муносабатлар ривожланишидаги ролини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ ва маҳаллаларни ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Биргина “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида минглаб қишлоқ ва маҳаллаларда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Таъкидлаш керакки, миллий тарихимизда қишлоқ ва маҳаллаларимизни ободонлаштиришга ҳеч қачон бунчалик катта маблағ ажратилмаган, энг муҳими, уларнинг ривожига бу қадар жиддий эътибор берилмаган¹. Ўзбекистон қишлоқларида яшаган аҳоли томонидан яратилган моддий ва маънавий маданияти тарихига оид ноёб маълумотлар, моддий ва ёзма манбалар мавжуд. Хоразм воҳаси қишлоқ жамоалари тарихига оид тўпланиб қолган маълумотлар ва янги олинган археологик манбалар (Тошхирмон, Тошқалъа-2, Тупроққалъа (Шовот) ва Сандиқлитеп) илмий таҳлили асосида умумлаштирилган ҳолда қадимги давр жамиятини қамраб олган тарихий жараёнларни янгича қарашлар ва ёндашувлар доирасида ўрганиш мавзунинг долзарблиги ва заруриятини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 3 апрелдаги ПҚ-5048-сон

¹ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // <https://president.uz/uz/lists/view/4547>

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 18 сентябрдаги «Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида «Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сон «Моддий, маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, унда инновацион ғояларни жадал ривожлантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиш доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қадимги Хоразм воҳаси қишлоқ жамоалари ва уларда акс этган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Хоразм воҳасида археологик ёдгорликларни ўрганиш асосида илк темир ва антик давр қишлоқ жамоалари тарихига оид маълумотлар уч тарихий даврга бўлиб таҳлил қилинган: биринчи тарихий давр – XX аср бошлари - 40 йилларни ўз ичига олиб, А.И. Тереножкин, С.П. Толстовлар томонидан Амударё ўнг соҳилида антик даврга мансуб Ёнбошқалъа тарихига оид манбалар олинган².

Иккинчи тарихий давр 1945-1990 йилларни ўз ичига олган бўлиб, М.Г. Воробьева, Я.Ф. Гуломов, Е.Е. Неразик, М.Е. Массон, О.А. Вишневская, Н.Н. Вактурская, Д. Дурдиев, Б.И. Вайнберг, В.Н. Пилипко, М. Мамбетуллаев, Ю.П. Маньлов, Г.Х. Ходжаниязов, Е. Бижанов, Л.М. Левиналар тадқиқотлари муҳим ўрин эгаллайди. Бунда Хоразм археология-этнография экспедицияси таркибида археологлар билан бир қаторда этнограф, геолог, географ ва картография мутахассислари жалб қилинганлиги муносабати билан мақсадли илмий йўналишлар белгилаб олинганлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси маданий марказлари археологик гуруҳлари фаолиятларининг натижалари намоён қилади³.

² Толстов С.П. Древнехорезмские памятники в Каракалпаки // ВДИ, №3. — М.: «Наука», 1939. — С. 186; Ўша муаллиф. Древности Верхнего Хорезма (Основные итоги работ Хорезмской экспедиции ИИМК 1939 г.) // ВДИ. — М.: «Наука», 1941. Вып. I. — С. 178, рис. 16; Тереножкин А.И. Археологические разведки в Хорезме // СА. — М.: «Наука», Вып. VI. 1940. — С. 169, рис. 1, карта Акчадаринская дельта.

³ Воробьева М.Г. Раскопки архаического поселения близ Дингильдже // МХЭ. — М.: «Наука», 1959. Вып. I. — С. 70-80; Гуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. — Т.: ЎзССР ФА, 1959. — Б. 83-90; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв) // ТХАЭЭ, Т.IX. — М.: «Наука», 1976. — С. 41, рис. 19; Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и Мавераннахр (В пределах Туркменской ССР) // Труды ЮТАКЭ, Т. XIII. «Ылим», — Ашхабад, 1966, рис. 80; Вишневская О.А. Раскопки городища Джигарбент // АО. 1974. — М.: «Наука», 1975. — С. 522-523; Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. — М.: «Наука», Вып. VII. 1970. — С. 41-44; Дурдиев Д. Археологические исследования на территории Ташаузской

Учинчи тарихий давр 1991 йилдан ҳозирги давргача бўлиб, маҳаллий илмий муассасалар ҳамда хорижий давлатлар илмий – тадқиқот марказлари (Австралия Сидней университети, Барселона университети, Россия Фанлар академияси этнология-антропология институти, Шарқ халқлари санъати давлат музейи, Шарқшунослик институтлари) билан ҳамкорлигида ташкил этилган экспедицияларда иштирок қилган В.Н. Ягодин, Г.Х. Ходжаниязов, С.Б. Болелов, F.J. Kidd, M. Negus Cleary, A.V.G. Betts, E. Baker-Brite, Б.К. Макларен фаолиятлари давомида мазкур тадқиқот мавзуси юзасидан қатор тадқиқот ишлари олиб борилган⁴. Бундан ташқари, қорақалпоқ олимлари билан ҳамкорликда маҳаллий илмий муассасалар археологик гуруҳлари томонидан Хоразм воҳаси архаик ва антик даврлар қишлоқ жамоалари яшаган турар-жойлар тарихини ўрганишга Е. Бижанов, Қ. Собиров, С.Р. Баратов, Ш. Матрасулов, Б.П. Садуллаев, У.В. Раҳмонов, Ш. Рахимовлар томонидан олиб борилган қатор тадқиқотлар натижалари таҳлилига эътибор қаратилган⁵.

Хоразмда давлатчиликнинг илк босқичлари ҳамда Амударё хавзаси худудларининг қадимги маданияти билан боғлиқ ҳолда қишлоқ жамоалари, қишлоқ турар-жойлари ҳамда мазкур жамоаларда кечган ижтимоий муносабатлар тарихи масаласи бир қанча докторлик диссертацияларида ўз аксини топган⁶.

области // Каракумские древности. — Ашхабад, «Илим», 1977. Вып. V. — С. 137-138; Вайнберг Б.И. Памятники куюсайской культуры // ТХАЭЭ. Т. XI. — М.: 1979. — С. 7–76; Пилипко В.Н. Древнее городище Одей-депе на среднем течении Амударьи // Каракумские древности. — Ашхабад, Вып. VIII. 1979. — С. 51-52; Манылов Ю.П., Ходжаниязов Г. Аязкала-1 и Бурликала (К изучению Хорезмской фортификации) // Археологические исследования в Каракалпакии. — Т.: «Фан», 1981. — С. 44; Мамбетуллаев М. Хумбузтепа — керамический центр Южного Хорезма // Вестник ККФАНУз. — Нукус, №3, 1976; Бижанов Е., Ходжаниязов Г.К. Античные памятники северо-западного Хорезма // Античная культура Средней Азии и Казахстана // (тезисы докладов). — Т.: «Фан», 1979. — С. 11-12; Левина Л.М. Элхарас. Древности Южного Хорезма // ТХАЭЭ. — М.: «Наука», 1991. Т. XVI. — С. 80. (муаллифларнинг бошқа тадқиқотларининг тўлиқроқ рўйхати тадқиқотнинг 1-боб, иккинчи параграфида келтирилган);

⁴ Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема «Большого Хорезма» (1–2 цикл) // Вестник ККО АН РУз. — Нукус, 2007. — № 1. — С. 75–79; — № 2. — С. 70–78; Ходжаниязов Г.Х., Ягодин В.Н., Хелмс С.У., Макларен Б.К. Раскопки на Акшаханкале // Археологические исследования в Узбекистане 2000 г. — Самарканд, 2001. — С. 175–180; Betts, A.V.G., V.N. Yagodin, S.W. Helms, G. Khozhaniyazov, S. Amirov, and M. Negus Cleary. “The Karakalpak-Australian Excavations in Ancient Chorasmia, 2001-2005. Interim Report on the Fortifications of Kazakli-yatkan and Regional Survey.”, Iran (47): 2009. 33-55; Kidd, F.J., M. Negus Cleary, V.N. Yagodin, A.V.G. Betts and E. Baker-Brite. 2004 (2008). “Ancient Chorasmian Mural Art”. , Bulletin of the Asia Institute, 18: 2008. 69-95; Ходжаниязов Г. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. — Тошкент, Ўзбекистон, 2007; Болелов С.Б. Крепость Аяз-кала 3 в правобережном Хорезме // Приаралье в древности и средневековье. — М.: ИВЛ РАН, 1998. — С. 116-134; Бижанов Е., Ходжаниязов Г.К. Археологический комплекс Бутентау // Археология Приаралья. — Нукус, 2003. Вып. VI. — С. 33-36. (муаллифларнинг бошқа тадқиқотларининг тўлиқроқ рўйхати тадқиқотнинг 1-боб, иккинчи параграфида келтирилган).

⁵ Собиров Қ. Тупроққалъа тарихига доир янги маълумотлар // «Илм сарчашмалари», №1, — Урганч, 2004. — Б. 53-55; Баратов С.Р., Раҳмонов У.В., Матрасулов Ш., Садуллаев Б., Рахимов Ш. Археологические исследования поселения Хумбузтепа в 2011-2012 годах. — Самарканд, №1(6), 2013. — С. 33-42; Баратов С.Р. Древнейший зороастрийский храм на Хумбузтепа // «Фан ва турмуш», №1-2, 2014. — С. 59-62; Баратов С.Р., Матрасулов Ш. Археологические работы в Южном Хорезме // Археологические исследования в Узбекистане 2002 г. — Самарканд, 2003.

⁶ Эгамбердиева Н.А. Археологические и археогеографические исследования истории древнего Хорезма: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. — Нукус: Институт истории, археологии и этнографии ККО АН РУз., 2001. — 56 с.; Ўша муаллиф: Амударё хавзаси худудларининг қадимги маданияти (милоддан аввалги VIII – милодий IV асрлар): Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. — Тошкент: “Innovatsiya – Ziyo”, 2021. — 70 б.; Мадаминов М.Р. Қадимий ва ўрта аср Хоразм пойтахти қалъалари ва уларнинг қурилиши

Мазкур тадқиқотнинг асосий қисмида адабиётлар тарихшунослиги алоҳида даврлар ва муаммолар бўйича ёритилиши боис, ушбу диссертациянинг кириш қисмида уларга қисқача шарҳ ва муносабат билдирилди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, Хоразм Маъмун академиясида амалга оширилган Ф1-ФА-0-16549 «Хоразм тарихи (I-жилд. Энг қадимги даврдан V асргача)» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мил.авв. VI – милодий IV асрларда Хоразм қишлоқ жамоалари ҳамда уларда кечган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

темир давригача бўлган тарихий даврда Қуйи Амударё ҳавзаси, Сарикамишбўйи сарҳадларида кечган этник жараёнларнинг ҳамда воҳа худудининг аҳоли томонидан ўзлаштирилиш масаласининг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

қадимги давр аҳоли турар-жойларининг жойлашиши ва маданий-хўжалик микровоҳаларининг шаклланиши тараққиёти омилларини таҳлил қилиш;

мил.авв. VII – IV асрларда Қуйи Амударё ва Сарикамишбўйи ҳавзаларида маданий хўжалик микровоҳаларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичларини кўрсатиб бериш;

илк темир ва антик даврлар қишлоқ жамоаларида ижтимоий – иқтисодий ва этномаданий муносабатлар муаммосини таҳлил қилиш;

илк темир ва антик даврлар қишлоқ жамоалари аҳоли турар-жойларининг жойлашиши ва типологик хусусиятларини ёритиб бериш;

антик даврда кечган сиёсий жараёнлар ва уларнинг қишлоқ жамоалари тараққиётидаги ўрни масаласини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразмнинг илк темир ва антик даври қишлоқ жамоалари тарихи белгиланган.

Тадқиқот предметини мил.авв. VI – милодий IV асрларда Хоразм қишлоқ жамоалари ҳаётида юз берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, этник жараёнлар ва этномаданий муносабатлар билан боғлиқ масалалар ташкил этади.

тарихи. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. — Нукус, 2004. — 22 б.; Матякубов Х.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида қадимги Хоразм: Тарих фан. номзоди. дисс... автореферати. — Т.: ЎзМУ, 2011. — 33 б.; Матякубов Х.Х. Хоразм воҳаси бронза ва илк темир даври тарихи (маданият, ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий муносабатлар муаммолари: Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. — Т.: ЎзМУ, 2018. — 26 б.; Маткаримов Х.О. Хоразм воҳасида археологик тадқиқотлар тарихи (қадимги даврга оид тарихий реконструкция муаммолари): Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. — Нукус: ҚДУ, 2020. — 23 б.; Қурбонова Д.Ш. Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти. А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. — Т., 2015. — 212 б.; Абдуллаев У.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи. Тарих фан. докт. (DSc) дисс. ... автореф. — Тошкент: ТКТИ, 2019. — 54 б.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, маълумотларни қиёсий ва танқидий ўрганиш, умумлаштириш ва холислик каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хоразм воҳаси ва унга уланиб кетган Сарикамишбўйи пасттекислигида темир асридан бошлаб шакллана бошлаган деҳқончилик микровоҳалари ва уларнинг ўзаги бўлган қишлоқ жамоалари келгусида воҳадаги илк давлатчилик ва илк шаҳарсозлик маданиятининг юзага келиши ҳамда тараққиётга асос бўлганлиги исботланган;

Хоразм воҳаси қадимги ёдгорликлари географияси, аҳолининг ҳудудий жойлашиш чегаралари, миграциялар ва маданий – иқтисодий алоқалар таҳлили асосида воҳадаги мил.авв. VII – милодий IV асрлар қишлоқлари, қишлоқ жамоалари марказлари бўлган шаҳарлар ва қалъалар ҳамда мазкур даврлар микровоҳалари жойлашиши ҳудудлари янги тузилган хариталар орқали аниқланган;

Қадимги Шарқ илғор маданий анъаналарининг миграциялар таъсирида Хоразм воҳасига кенг ёйилиши асосида воҳада эркин деҳқон жамоаларининг асосий маконлари сифатида бир қанча қишлоқларни бирлаштирган ҳамда муайян бир марказ шаҳарга эга бўлган микровоҳалар, Авестода акс этган воҳада илк давлатчиликнинг энг содда кўринишларидан бири бўлганлиги сифатидаги акс этганлиги асосланган;

Хоразм воҳаси илк темир даври меъморчилигида пахса, хом ғиштдан фойдаланиш каби маҳаллий анъаналар ташқи маданий таъсир уйғунлигида ривожланганлиги ҳамда мазкур меъморий-бинокорлик тарҳи антик даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда темир ва антик даврлар Хоразм қишлоқ жамоалари ҳамда уларда кечган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар тарихи мавзусига оид манбалар ҳамда тарихшунослик тадқиқотлари маълумотлари умумлаштирилиб, тарихий-қиёсий таҳлил қилинган ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижаларидан тарих йўналиши ва мутахассислиги бакалавр ҳамда магистрантларига ўқитиладиган бир қатор фанларнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тегишли ўқув-услубий материалларни тайёрлаш жараёнида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Қадимги Хоразм жамиятида муҳим ўрин эгаллаган қишлоқ жамоалари тарихини ўрганишда моддий манбалар ва олинган бошқа маълумотлардан қиёсий ва холислик тамойили асосида фойдаланилганлиги, тегишли хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганилиги, олинган натижаларни ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мил.авв. VI - милодий IV асрларда Хоразм қишлоқ жамоалари тарихи ҳамда мазкур хронологик давр доирасида воҳада кечган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар тарихини қиёсий-

тарихий усуллардан фойдаланган ҳолда ўрганиш натижасида олинган назарий хулосалар ўлканинг қадим ижтимоий-иқтисодий тарихи бўйича қарашларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда умумлаштирилган маълумотлардан Ўзбекистон тарихи ва Хоразм тарихи бўйича олий ўқув юрти талабалари учун дарсликлар, ўқув ва илмий-услубий қўлланмаларни яратишда, шунингдек, музейлар экспозицияларини бойитишда ҳамда тарихий-маданий меросни тарғиб қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мил.авв. VI – милодий IV асрлар Хоразм қишлоқ жамоалари тарихи ҳамда шу даврларда кечган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар тарихи мавзуси бўйича чиқарилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Хоразм воҳаси ва унга уланиб кетган Сарикамишбўйи пасттекислигида темир асридан бошлаб шакллана бошлаган деҳқончилик микровоҳалари ва уларнинг ўзаги бўлган қишлоқ жамоалари келгусида воҳадаги илк давлатчилик ва илк шаҳарсозлик маданиятининг юзага келиши ҳамда тараққиётига асос бўлганлигига оид натижалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги томонидан Ичан-Қалъа давлат музей-қўриқхонаси ҳудудида ташкил қилинган қадимий Хоразм тарихи музейи бўлимини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2021 йил 15 апрелдаги 01-12-01-2002-сон маълумотномаси). Тақдим этилган илмий натижалар музейга ташриф буюрувчиларда тарих соҳасидаги билимларини оширишга, ўлка тарихини ўрганишга қаратилган илмий кўникмаларга эга бўлишига имкон яратган;

Қадимги Шарқ илғор маданий анъаналарининг миграциялар таъсирида Хоразм воҳасига кенг ёйилиши асосида воҳада эркин деҳқон жамоаларининг асосий маконлари сифатида бир қанча қишлоқларни бирлаштирган ҳамда муайян бир марказ шаҳарга эга бўлган микровоҳалар, Авестода акс этган воҳада илк давлатчиликнинг энг содда кўринишларидан бири бўлганлигига оид натижалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги 2953-сон Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури”нинг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2021 йил 15 апрелдаги 01-12-01-2003-сон маълумотномаси). Натижалар ҳудуда сайёҳлик экспедицияларининг янги йўналишларини ривожлантиришга хизмат қилган;

Мил.авв. VI – милодий IV асрлар Хоразм қишлоқ жамоалари шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари, омиллари тарихи ҳамда шу даврларда кечган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар тарихи масаласига оид фикрлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» teleradiokanali» ДУК «Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Миллат ва маънавият», «Таълим ва тараққиёт» кўрсатувлари сценарийларини

тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» teleradiokanali» ДУК 2021 йил 13 апрелдаги 04-25-546-сон далолатномаси). Натижада телетомошабинларнинг Хоразм қишлоқ жамоалари шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари, шу даврларда кечган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар тўғрисидаги билимларини янада мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари 9 та конференцияларда, шу жумладан, 4 та халқаро, 5 та Республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та рисола ва 8 та илмий мақолалар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, республика нашрларида 6 та, хорижий журналларда 2 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар, шартли қисқартмалар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Тадқиқот ҳажми 138 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Қадимги Хоразм қишлоқ жамоалари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослик масалалари**”, деб номланган биринчи боби иккита параграфдан иборат. Мазкур бобнинг “*Хоразм воҳаси ва унга улаиб кетган Сарикамишбўйи пасттекислигининг темир асри ва антик даври палеогеографик ҳолати*” деб номланган биринчи параграфда Жанубий Оролбўйи сарҳадларининг темир асри ва антик даври палеогеографик хусусиятларини ёритишда геолого-географик ва археологик адабиётларда қайд қилинган маълумотларни назарий-қиёсий таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқаришга эътибор қаратилган.

Тарихий далилларга кўра, 4-3 млн. йиллар олдин Орол-Сарикамиш оралиғи текисликдан иборат бўлган ҳамда кайназой эраси тўртламчи давр мобайнида Амударё ва Сирдарё фаолиятлари натижасида Узбой, Сарикамиш, Оқчадарё ва Оролбўйи ҳавзалари палеогеографияси шаклланган деган хулосага келинган⁷. Мил.авв. V-III-минг йилликларда эса Оқчадарё,

⁷ Кесь А.С. Природные факторы, обуславливающие расселение древнего человека в пустынях Средней Азии // КСИЭ. — М.: «Наука», 1958. Вып. XXX. — С. 171-172; Виноградов А.В., Итина М.А., Кесь А.С., Мамедов

Сарикамишбўйи сарҳадлари неолит даври одамлари томонидан ўзлаштирилиб, этник жараёнлар географияси кенгайганлиги аниқланган⁸.

Энеолит даври овчи ва термачилари Сарикамишбўйи жануби-ғарбий ҳамда шимоли-шарқий Узбой ҳудудларида мил.авв. II минг йилликкача яшаган бўлсалар, Довдон ирмоғида сув таъминоти кескин қисқарганлиги туфайли улар Оқчадарё ҳавзаси ҳудудига кўчишга мажбур бўлганлар. Мил.авв. III минг йиллик охирида Сарикамишбўйи дельтасидаги ирмоқларнинг лойқа билан тўлиб қолиши натижасида Оқчадарё ирмоқлари яна қайтадан жонланади. Оқчадарё ҳавзасида неолит манзилгоҳлари устида пайдо бўлган 1,5 м гача етадиган қумоқ чўкинди жинслар бундан далолат беради. Мил.авв. I минг йилликдан бошлаб Оқчадарёда сув оқими кескин камайиб кета бошлаган. Антик даврга келиб эса у тамоман қуриб қолади⁹.

Мил.авв. IV–III минг йилликларга келиб дельтанинг аксарият ирмоқлари аллювиал чўкиндилар билан тўлиб бўлиши натижасида Сарикамиш дельтаси шаклланиб бўлган эди. Тўлиқ ғарб томонга оқа бошлаган Амударё сувлари Каспий денгизининг шарқий кўрфази томон ҳаракатлана бошлайди. Шу тариқа узунлиги 550 км га етадиган Узбўй сув йўли шакллана бошлайди.

Мил.авв. III–II минг йилликлар чегарасида Узбўйда сув оқими деярли тўхтаган. Мил.авв. II минг йиллик бошларидан унда сув оқими бўлмаган. Мил.авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмига келганда Амударё сувининг асосий қисми Оролбўйи дельтаси орқали Орол денгизига қуйилган¹⁰.

Мазкур бобнинг *“Ёзма манбалар ва тарихий тадқиқотларда Хоразм қишлоқ жамоалари тарихининг ёритилиши масалалари”* деб номланган иккинчи параграфи Хоразм воҳаси қишлоқ жамоалари тарихини акс эттирувчи этнография, археология ашёларининг илмий таҳлилига асосланган.

Тадқиқотда Хоразм темир ва антик даврлари қишлоқ жамоалари тарихини ёритувчи ёзма манбалар жуда камлиги кўрсатиб берилган. Тадқиқотчилар Авестонинг қисмларида келтирилган илк темир жамияти

Е.Д. Палеогеографическая обусловленность расселения древнего человека в пустынях Средней Азии // Первообытный человек, его материальная культура и природная среда в плейстоцене и голоцене. — М.: «Наука», 1974. — С. 290-291.

⁸ Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1945-1953 гг. // ТХАЭЭ. — М.: «Наука», 1958. Т. II. — С. 66-67; Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма // МХЭ. — М.: «Наука», 1968, Вып. VIII. — С. 128-129.

⁹ Архангельский А.Д. Геологические исследования в низовьях Амударьи. — М. — Л.: 1931. — С. 38-39; Герасимов И.И. Основные черты развития современного Турана // ТИГ. — М.: 1937. Вып. XXV. — С. 62-63; Герасимов И.И., Марков К.К. Четвертичная геология. — М.: 1939. — С. 270-271; Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. — Т.: «Фан», 1959. — Б. 76-100, 103-119; Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. — М.: «Наука», 1969. — С. 5-233; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.) // ТХАЭЭ. — М.: «Наука», 1976. Т. IX. — С. 13-57; Вайнберг Б.И. Экология Приаралья в древности и средневековье // АО. — М.: «Наука», №1, 1997. — С. 23-40; Низовья Аму-дарьи ... — С. 66; Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма // МХЭ. Вып. 8. — М., 1968. — С. 32; Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. — М., 1962. — С. 91-92.

¹⁰ Низовья Аму-дарьи ... — С. 21; Толстов С.П. Итоги работ ХАЭЭ АН СССР в 1953 г. // ВДИ. — М., 1955. — № 3. — С. 192-206; Итина М.А. Новые стоянки Тазабагыбской культуры ... — С. 52; Вайнберг Б.И. Этногеография Турана ... — С. 22, 217.

тарихи ижтимоий тизимига оид маълумотлар мавжуд бўлсада¹¹, халигача мазкур манба асосида Хоразм қишлоқ жамоалари тарихи тўла-тўқис тадқиқ қилинмаган. Фақат XX аср 90-йилларидан бошлаб, Ўзбекистонда “Авесто” китобининг айрим бобларидаги темир даври жамияти ҳақидаги маълумотлар тадқиқ қилиниб, илмий муомалага киритилган¹².

Тадқиқотда Хоразм воҳасида археологик ёдгорликларни ўрганиш асосида илк темир ва антик давр қишлоқ жамоалари тарихига оид маълумотлар уч гуруҳга бўлиб таҳлил қилинди. Биринчи тарихий давр – XX аср бошлари - 40 йиллар. Бу тарихий даврда Амударё ўнг соҳилида антик даврга мансуб Ёнбошқалъа тарихига оид манбалар олинган¹³.

Иккинчи тарихий давр. 1945-1990 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бунда Хоразм археология-этнография экспедицияси таркибида археологлар билан бир қаторда этнограф, геолог, географ ва картография мутахассислари жалб қилинганлиги муносабати билан мақсадли илмий йўналишлар белгилаб олинганлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси маданий марказлари археологик гуруҳлари фаолиятларининг натижалари намоён қилади¹⁴.

Учинчи тарихий давр 1991 йилдан ҳозирги давргача бўлиб, маҳаллий илмий муассасалар ҳамда хорижий давлатлар илмий – тадқиқот марказлари (Австралия Сидней университети, Барселона университети, Россия Фанлар

¹¹ Толстов С.П. Древний Хорезм. — М.: ИМГУ, 1948. — С. 341; Дьяконов И.М. История Мидии. — М. — Л., АН СССР. 1956. — С. 7; Лившиц В.А. Общество Авесты (история таджикского народа). — М.: ИВЛ, 1963. Т.1. — С. 143-146.

¹² Абдукамилов Р. Авестийские тексты о государственности и праве: Вопросы генезиса и эволюции структуры // Ўзбекистон тарихи. 2000. №3. — С.17; Қодирова Д. Зардуштийликнинг илк босқичлари ҳақида мулоҳазалар // Авесто китоби — Тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаси. — Т.: 2000. — Б. 66; Авесто. Яшт китоби // М. Исҳоқов таржимаси. — Т.: «Шарк», 2000. — Б. 49; Авесто. Избранные гимны // пер. И.М. Стеблин-Каменского. — Душанбе, «Адиб» 1990. — С. 61; Пьянков И.В. Авесто // История таджикского народа. — Душанбе, 1998, Т. 1. — С. 217.

¹³ Тереножкин А.И. Археологические разведки в Хорезме // СА. — М.: «Наука», Вып. VI. 1940. — С. 169, рис. 1, карта Акчадаринская дельта; Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. — М.: ИМГУ, 1948. — С. 88-114; Ўша муаллиф: По следам древнехорезмийской цивилизации. — М. — Л.: АН СССР, 1948. — С. 77-78.

¹⁴ Воробьева М.Г. Раскопки архаического поселения близ Дингильдже // МХЭ. — М.: «Наука», 1959. Вып. I. — С. 70-80; Кой-крылган-кала – памятник культуры древнего Хорезма IV в до н. э. – IV в н.э. // ТХАЭЭ. — М.: «Наука», 1967. Т.V. — С. 9-271; Вайнберг Б.И. Памятники куюсайской культуры // ТХАЭЭ. Т. XI. — М.: 1979. — С. 7-76; Ўша муаллиф. Скотоводческие племена в древнем Хорезме // Культура и искусство древнего Хорезма. — М.: 1981. — С. 121-130; Ўша муаллиф. Этногеография Турана в древности. VII в. до н.э. – VIII в. н.э. — М.: Наука, 1999; Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. — Т.: ЎзССР ФА, 1959. — Б. 83-90; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв) // ТХАЭЭ, Т.IX. — М.: «Наука», 1976. — С. 41, рис. 19; Ходжаниязов Г.К., Маньлов Ю.П. Исследование в Южном Хорезме // АО. 1982. — М.: «Наука», 1982. — С. 470; Бижанов Е., Ходжаниязов Г.К. Античные памятники северо-западного Хорезма//Античная культура Средней Азии и Казахстана // (тезисы докладов). — Т.: «Фан», 1979. — С. 11-12; Ходжаниязов Г.К. Акчунгуль – новый памятник эпохи античности северо-западного Устюрта // Археология Приаралья. — Т.: Вып. I. 1982. — С. 81-85, рис. 81, 83; Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и Мавераннахр (В пределах Туркменской ССР) // Труды ЮТАКЭ, Т. XIII. «Ылим», — Ашхабад, 1966, рис. 80; Пилипко В.Н. Раскопки в Дейнауском районе Чарджоуской области // АО. 1974. — М.: «Наука», 1975. — С. 527-528; Ўша муаллиф. Древнее городище Одей-депе на среднем течении Амударьи // Каракумские древности. — Ашхабад, Вып. VIII. 1979. — С. 51-52; Вишневская О.А. Раскопки городища Джигарбент // АО. 1974. — М.: «Наука», 1975. — С. 522-523; Вактурская Н.Н. О средневековых городищах Хорезма. — М.: «Наука», Вып. VII. 1970. — С. 41-44; Дурдиев Д. Археологические исследования на территории Ташаузской области // Каракумские древности. — Ашхабад, «Ылым», 1977. Вып. V. — С. 137-138; Воробьева М.Г. Капарас. Древности Южного Хорезма // ТХАЭЭ. — М.: «Наука», 1991. Т. XVI. — С. 155, рис. 54; Левина Л.М. Элхарас. Древности Южного Хорезма // ТХАЭЭ. — М.: «Наука», 1991. Т. XVI. — С. 80.

академияси этнология-антропология институти, Шарқ халқлари санъати давлат музейи, Шарқшунослик институтлари) билан ҳамкорлигида ташкил этилган экспедициялар фаолиятлари давомида мазкур тадқиқот мавзуси юзасидан қатор тадқиқот ишлари олиб борилган¹⁵. Бундан ташқари, қорақалпоқ олимлари билан ҳамкорликда маҳаллий илмий муассасалар археологик гуруҳлари томонидан Хоразм воҳаси архаик ва антик даврлар қишлоқ жамоалари яшаган турар-жойлар тарихини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилган¹⁶.

Хоразмда давлатчиликнинг илк босқичлари ҳамда Амударё хавзаси худудларининг қадимги маданияти билан боғлиқ ҳолда қишлоқ жамоалари, қишлоқ турар-жойлари ҳамда мазкур жамоаларда кечган ижтимоий муносабатлар тарихи масаласи бир қанча докторлик диссертацияларида ўз аксини топган¹⁷. Жамоа муаллифлари томонидан чоп қилинган ҳамда Хоразм

¹⁵ Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема «Большого Хорезма» (1–2 цикл) // Вестник ККО АН РУз. — Нукус, 2007. — № 1. — С. 75–79; — № 2. — С. 70–78; Ходжаниязов Г.Х., Ягодин В.Н., Хелмс С.У., Макларен Б.К. Раскопки на Акшаханкале // Археологические исследования в Узбекистане 2000 г. — Самарканд, 2001. — С. 175–180; Betts, A.V.G., V.N. Yagodin, S.W. Helms, G. Khozhaniyazov, S. Amirov, and M. Negus Cleary. “The Karakalpak-Australian Excavations in Ancient Chorasmia, 2001-2005. Interim Report on the Fortifications of Kazakli'yatkan and Regional Survey.”, Iran (47): 2009. 33-55; F.J. Kidd, M. Negus Cleary, V.N. Yagodin, A.V.G. Betts and E. Baker-Brite. 2004 (2008). “Ancient Chorasmian Mural Art”, Bulletin of the Asia Institute, 18: 2008. 69-95; Negus Cleary, M. 2007. “The Ancient Built Landscape of Chorasmia: a new interpretation of a local Central Asian settlement pattern”, L. Popova, C. Hartley & A. T. Smith (eds.), Social Orders and Social Landscapes: Proceedings of the 2005 University of Chicago Conference on Eurasian Archaeology, Newcastle upon Tyne: Cambridge Scholars Press: 2007. 334-358; Ходжаниязов Ф. Қадимги Хоразм муҳофаа иншоотлари. — Т., Ўзбекистон, 2007; Ходжаниязов Г.К. Фортификация древнего Хорезма (VI в. до н.э. IV в. н.э.) // АКД. — Нукус, 1996; Болелов С.Б. Крепость Аяз-кала 3 в правобережном Хорезме // Приаралье в древности и средневековье. — М.: ИВЛ РАН, 1998. — С. 116-134; Бижанов Е., Ходжаниязов Г.К. Археологический комплекс Бутентау // Археология Приаралья. — Нукус, 2003. Вып. VI. — С. 33-36; Беттс А.В., Ягодин В.Н. Раскопки Ташхирмантепе // Археологические исследования в Узбекистане в 2001 г. — Самарканд, 2002; Болелов С.Б. К вопросу о южных и юго-западных связях Хорезма во второй половине I тыс. до н.э. по археологическим данным (древнехорезмийский археологический комплекс) // Центральная Азия. Источники. История. Культура. — М.: 2005. — С. 215–234; Ўша муаллиф. Хорезмийское государство // История государственности Узбекистана. Т. I. — Т.: Узбекистан, 2009. — С. 193–210.

¹⁶ Собиров Қ. Тупроққалъа тарихига доир янги маълумотлар // «Илм сарчашмалари», №1, — Урганч, 2004. — Б. 53-55; Собиров Қ., Юлдашова Ю. Ўзбекистон тарихида қадимги Хоразм. — Урганч, 2006. — Б. 3-28; Баратов С.Р. Археологические исследования в Южном Хорезме // Археологические исследования в Узбекистане в 2002 году. — Самарканд, 2003. — С. 38-45; Ўша муаллиф. Новые материалы к археологии древнего Хорезма // Материалы конференции «Древние цивилизации на Востоке. Археология, история, культура» посвященной-80-летию Г.В. Шишкиной, МГИВ, 2010. — С. 18-21; Баратов С.Р., Рахмонов У.В., Матрасулов Ш., Садуллаев Б., Рахимов Ш. Археологические исследования поселения Хумбузтепа в 2011-2012 годах. — Самарканд, №1(6), 2013. — С. 33-42; Баратов С.Р. Новые археологические материалы к истории древнего Хорезма // Вестник Хорезмской академии Маъмуна. — Хива, №4, 2014. — С. 31-40; Ўша муаллиф. Древнейший зороастрийский храм на Хумбузтепа // «Фан ва турмуш», №1-2, 2014. — С. 59-62; Ўша муаллиф. Истоки урбанизированной культуры низовий Амударьи // Хоразм тарихи. Замонавий тадқиқотларда. — Тошкент — Урганч, 2019. — Б. 15-19; Баратов С.Р., Матрасулов Ш. Археологические работы в Южном Хорезме // Археологические исследования в Узбекистане 2002 г. — Самарканд, 2003; Баратов С.Р. Археологические работы в Южном Хорезме // Археологические исследования в Узбекистане в 2003 г. — Т.: 2004. — С. 47.

¹⁷ Эгамбердиева Н.А. Археологические и археологические исследования истории древнего Хорезма: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. — Нукус: Институт истории, археологии и этнографии ККО АН РУз., 2001. — 56 б.; Ўша муаллиф: Амударё хавзаси худудларининг қадимги маданияти (мил.авв. VIII – миллодий IV асрлар): Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. — Т.: “Innovatsiya – Ziyo”, 2021. — 70 б.; Мадаминов М.Р. Қадимий ва ўрта аср Хоразм пойтахти қабалари ва уларнинг қурилиш тарихи. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. — Нукус, 2004. — 22 б.; Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги: Тарих фан. номзоди. дисс... автореферати. — Т.: ЎЗМУ, 2009. — 34 б.; Матякубов Х.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк

цивилизацияси таракқиётига бағишланган монографияларда ҳам қишлоқлар тўғрисида маълумотлар кузатилмайди¹⁸.

Диссертациянинг **“Илк темир давр Қуйи Амударё ҳавзаларида маданий хўжалик микровоҳаларнинг вужудга келиши, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар”**, деб номланган иккинчи боби учта параграфдан иборат.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи *“Мил.авв. VII–IV асрларда Қуйи Амударё ва Сарикамишбўйи ҳавзаларида маданий хўжалик микровоҳаларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши босқичлари”* деб номланган.

Мил.авв. VII–IV асрларда Қуйи Амударё ва Сарикамишбўйи ҳавзаларида маданий хўжалик микровоҳаларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши масаласи бўйича тадқиқотчилар ичида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, баъзи тадқиқотчилар, хорасмийлар мил.авв. VI асрда Хильманд водийсидан кўчиб келганликларини таъкидласалар¹⁹, кўпчилик тадқиқотчилар меъморчилик билимига эга бўлган хорасмийларнинг бир гуруҳи воҳага Шимолий Бактриядан Амударё ўрта оқими бўйлаб кириб келганлар деб фикр билдирадилар²⁰. Бу борада энг сўнгги фикр – мулоҳаза сифатида тадқиқотчи С.Р. Баратов билдирган. Унинг фикрига кўра Хоразм воҳасига, хусусан, Ҳазорасп деҳқончилик микровоҳасига ҳамда Хумбузтепага аҳоли, Ёз I ва Ёз II типигаги маданият яратувчилари яшаган ҳудуд – Сарахс воҳасидан, Тажан-Ҳерируд дарёлари қуйи оқими ҳудудларидан кириб келган²¹.

Тадқиқотда илк темир даври микровоҳалари ва уларнинг эгаллаган ҳудудлари, бош марказлари таҳлил қилинган. Унга кўра, Амударё сўл соҳил ўрта қисми микровоҳа бош маркази Одойтепа; Тошсақа микровоҳа маркази

